



Ўзбекистон Президентининг Россия Федерациясига ташрифи бошланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига расмий ташрифнинг биринчи манзили – Қозон шаҳрига келди.

Абдулла Тўқай номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари – саноат ва савдо вазири Денис Мантуров ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Қозонда қатор тадбирлар бўлиб ўтди. 6 октябрь куни, Москвада бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувда икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон – Россия муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини таваллуд куни билан дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар тожик халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади. Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларида бугунги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига эришилишида Эмомали Раҳмоннинг ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Фаол мулоқот ва алмашинувлар ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми орт-

моқда. Савдо, инвестициялар, саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Душанбе шаҳрида 14-15 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашуви ва Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси юбилей саммитининг самарали яқунлари юксак баҳоланди.

Ў.А

Ғолиблар сафи кўнаймақда

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиё ўйинларида Ўзбекистон делегацияси ҳисобига навбатдаги олтин медалларни боксчиларимиз тақдим этишди, деб хабар бермоқда «Дипу» АА мухбири.

Дастлаб, бокс бўйича Рио-2016 ёзи Олимпия ўйинлари чемпиони Ҳасанбой Дўсमतов XIX Осиё ўйинларидаги ғалабасини тантана қилди. - 51 кг. вазн тоифасида беллашувларда иштирок этган ҳамюртимиз финалда тайландлик боксчи Титисан Панмотни мағлубиятга учратиб, турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди.

- 57 кг. вазнда юртимиз байроғини ҳимоя қилган яна бир боксчимиз Абдумалик Халоков ҳам Осиё ўйинлари чемпионлигини қўлга киритди. У ҳал қилувчи финал баҳсида япониялик чарм кўлок устаси Шудай Ҳарада устидан яқол ғалаба қозонди ва олтин медални қўлга киритди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур жанг охиригача етиб бормади. Абдумаликнинг зарбаларига дош беролмаган Япония вакили бир неча бор нақдаунга учради. Буни кўрган япониялик мураббийлар 2-раундда рингга оқ сочиқ улоқтиришди.

Ханчжоуда давом этаётган Осиё ўйинларининг бокс баҳслари финалига йўл олган учинчи вакилимиз Баҳодир Жалоловнинг жанги ҳам ўз якунига етди. Ўзбекистоннинг энг таниқли боксчиси Баҳодир Жалолов финал баҳсида азалий рақиби қозогистонлик Камшибек Конкабаевага қарши рингга кўтарилди. Бутун жанг давомида катта устунликка эришган Баҳодир якунда ғалабани тантана қилди ва Осиё ўйинлари ғолибига айланди.



Фракция йиғилиши



Фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси янада ошади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг йиғилишида дастлаб “Давлат божни тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига маъмурий судларга мурожаат қилишида фуқароларга янада қўлай шароитлар яратишга қаратилган ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган ишлар фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада орттириш имконини берди.

Ушбу қонун лойиҳаси фуқаролар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мансабдор шахсларнинг қарор ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, шунингдек, уларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фуқароларга давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарор ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга бериладиган мурожаатларининг барчаси бўйича давлат божни пайсиз қилиш имконияти берилди.

Қонун лойиҳаси билан келгусида, фуқароларга ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мансабдор шахсларнинг қарор ва ҳаракат-

лари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятлари янада кенгайтирилади.

Муҳокама давомида фракция аъзолари партия мақсад ва вазибаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифларни ўртага ташлашди. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан кўплаб саволлар кўтарилди.

Қонун ташаббускорлари ҳар бир таклиф асосли эканлигини, уларнинг аксарияти лойиҳани пишқиришга ҳолатга келтириш ва маромига етказиш жараёнида инobatта олинishiни қайд этдилар.

Қизгин давом этган баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.



«Adolat» газетасининг 2023 йил, 22 сентябрь, 38-сонида чоп этилган «Кўктошда кўркмажма қурилди» сарлавҳаси остида ёритилган мақолада ахаука тадбиркорларнинг онаси Маҳбуба опа мақола муаллифига:

«ЎГИЛЛАРИМИЗНИ МАҚТАЙДИГАН ГАЗЕТАНГИЗНИ ҚАЕРДАН ТОПАМАН?» деб савол берган эди.

Куни кеча «Адолат» социал-демократик партиясининг Наманган вилоятидаги вакиллари Маҳбуба опа ва Боқижон ака Холдорлар хонадонига келиб, мазкур газетанинг бир неча сонини ва махсус совғаларни топширишди.



Мукофот муборак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 сентябрдаги фармони асосан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бир гуруҳ устоз ва мураббийлар унвон, орден ҳамда медаллар билан мукофотланди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Ташкент тиббиёт академияси ректори, партияимизнинг фаол аъзоси Алишер Шодмонов юксак эътироф — «Фидокорона хизматлари учун» орденига муносиб кўрилгани партиядошларимизни қувонтирди.

Алишер Шодмонов давлат ва жамоат арбоби, катта тажрибага эга раҳбар, юксак салоҳиятли олим, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ҳамда тиббий таълимни ривожлантиришда фаол ташкилотчи, минглаб шогирдларга меҳрибон устоз бўлиш билан биргаликда, «Адолат» СДПнинг аҳоли ўртасида нуфузини ошириш, унинг ғоя ва мақсадларини рўйбга чиқаришда фаол қатнашаётган илғор партиядошларимиздан биридир. Сафдошимизнинг фидокорона фаолиятига бўлган эътирофини барча партиядошларимизга бўлган эътибор, деб биламиз.

Алишер Шодмоновга халқимиз саломатлигини сақлаш, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ҳамда жамиятда адолат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятида бардавомийлик, соғлиқ-саломатлик, куч-қувват ва муваффақиятлар тилаймиз.

«Адолат» СДП Сийёси Кенгаши

ОҚИБАТНИ ФАЗИЛАТГА
АЙЛАНТИРГАН ОЛИМ
5
КИТОБ ва ГАЗЕТА БИЛАН
ҲАМНАФАС
БЎЛАЙЛИК
6

ФУҚАРОЛАР ҲАЁТИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҲАЁТИЙ ҲУЖЖАТ

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Янги Ўзбекистон шариатида амалга ошириладиган кенг қўламли ислоҳот ва ўзгаришларни изчил давом эттириш, соҳа ва йўналишларни янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мақсуд ҲАМИДОВ,
“Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси



СТРАТЕГИЯДА

хотин-қизлар масаласи

“Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётдаги ролини, ижтимоий-сиёсий мақомини янада ошириш, иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизларни давлат бошқаруви ва сиёсатга фаол жалб этиш, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида гендер тенг ҳуқуқлиликка эришишга оид аниқ вазибалар, мақсадлар белгилаб олинган.

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва унда илгари сурилатилган мақсад ва вазибаларда мамлакатимиз ривож ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган бир қанча муҳим йўналишлар қаторида хотин-қизлар масаласига ҳам катта эътибор қаратилгани партиянинг ўз олдига белгилаб олган мақсад ва вазибаларини тўлақонли рўйбога чиқаришда янги имкониятларни яратиб берди.

Шу боисдан мамлакатимизда “Инсон қадрини ўрганиш” деган эзгу тамойил асосида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида илгари сурилган хотин-қизларга оид масалаларни кенг жамоатчиликка, айниқса, хотин-қизларимизга етказиш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти қошидаги академик лицейда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида хотин-қизлар масаласи мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти қошидаги академик лицей профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, партиянинг “Аёллар қаноти” фаоллари, “Ёшлар парламенти” аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулрух Аъзамова “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида хотин-қизлар масаласи мавзусида маъруза қилди. Депутат бугунги кунда хотин-қизларимизнинг барча соҳалардаги улуши

ортиб бораётгани, уларга кенг имкониятлар яратилаётганини қайд этди.

Тадбирда сўз олганлар “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони мазмун-моҳияти, Стратегияда акс этган хотин-қизларга оид масалалар ҳамда келгусида ушбу муҳим ҳужжатнинг ижроси натижасида эришилаётган ютуқлар, мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан маълумот беришди.

— Стратегия жамият ҳаётининг барча жабҳаларида гендер тенг ҳуқуқлиликка эришиш йўлидаги бошланган ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқувчи дастуриямал ҳужжат бўлди, — деди “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов. — Айниқса, унда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини қучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва

қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш йўналишида қатор мақсадлар кўзлангани эътиборга молик. Ушбу вазибаларнинг ижроси таъминланиши юртимизда хотин-қизлар сиёсатида оид амалий саъй-ҳаракатлар натижадорлигига хизмат қилади. Шундай экан, бу жараёнда партиямиз фаоллари ва барча даражадаги депутатларимиз ҳам Стратегияни тўлақонли амалиётга татбиқ этишда фаол иштирок этиши, ташаббускор бўлиши лозим.

Тадбирда мазкур стратегия мамлакатимизда ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида гендер тенг ҳуқуқлиликка эришиш йўлида бошланган ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқувчи ҳақиқий, пухта ишланган дастуриямал эканлиги алоҳида таъкидланди.

Яқунда партия фаоллари, барча даражадаги депутатлар, шунингдек, “Ёшлар парламенти” аъзолари билан биргаликда партиянинг дастурий-мақсадларига ҳамоҳанг Стратегияни тўлақонли амалиётга татбиқ этиш жараёнида нафақат фаол иштирокчи, балки илгор, ташаббускор ташкилотчилардан бўлишга келишиб олишди ва келгусидаги устувор вазибалар белгиланди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ — йўшм-қизлар таянчи

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ошганини ёшлар ташкил этади. Уларни касб-хунарга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, истеъодларини рўйбога чиқариш асло кечиктириб бўлмайдиган вазибалардан бири саналади. Зеро, ёш авлоднинг камолоти, қизиқишига бефарқ қараш эртанги кунимиз, келажакимизга лоқайдлик билан баробардир.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Кейинги йилларда юртимизда ёшларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги қарорига асосан мактаблардаги ёшлар етакчилари штат бирликлари қисқартирилиб, унинг ўрнига республикадаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Хўш, ёшлар етакчиси лавозими нима учун жорий қилинди? Бугун ушбу тизим қандай натижа берапти? Улар йигит-қизларимизнинг таянчига айлана олдими?

Қайд этиш жоиз, ёшлар етакчилари лавозимининг жорий этилиши, энг аввало, тенгдош — тенгдошга тамойил асосида юзага келадиган масалаларни тизимли ҳал қилишда ёшлар иштирокини янада кучайтирди. Ўз навбатида, маҳалла тизими ходимларини хизмат лавозимига кирмайдиган топшириқлар, ортиқча юклардан халос қилди.

Ёшларнинг қизиқишларини, уларни уйлантираётган масалаларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ёшлар етакчиси яхши билади. Ҳозир қайси маҳаллада иш яхши ташкил этилган бўлса, уша худудда ёшлар билан боғлиқ ноҳуш ҳолатлар кам бўлаётгани, ёшлар муаммолари ўз вақтида ҳал этилаётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Юртимизда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар чоракда энг илгор 100 нафар етакчи бир ойлик маошга тенг пул мукофоти ҳамда “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Ёшлар етакчилари маҳаллалардаги ёшларнинг оғирини энгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишдек муҳим вазибаларни бажармоқда. Утган даврда уларнинг бевосита кўмаги билан қўллаб-қувватлаш имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйди. Масалан, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани “Сазаган” маҳалласида яшовчи Фурқат Каримов ўз бизнесини

йўлга қўйиш учун 300 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, мебель ишлаб чиқариш фаолиятини бошлади. Айни вақтда у маҳалла ёшларидан 8 нафарининг доимий бандлигини таъминлаш баробарида ўзининг ойлик айланма маблағ ҳажмини 100 миллион сўмга етказди.

Мамлакатимизда ёшларни қишлоқ хўжалиги соҳасида банд қилиш учун улардан 254,6 миң нафар ёшларга 66,3 миң гектар экин майдони ажратиб берилди. Масалан, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани “Шоирлар” маҳалласида яшовчи Оғабек Юлдашев бир пайтлар “Ёшлар дафтари”га киритилиб, унга “E-Auksion” орқали 30 сотих ер майдони ажратилган эди. Эндиликда у ушбу ер майдонига помидор экиб, 14 миллион сўм даромад қилмоқда.

Шунингдек, республикамизда ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши ҳамда ўзини ўзи банд қилиш учун 55,5 миң нафарига 150 миллион сўмлик асбоб-ускуналар ва меҳнат куруллари ажратилган бўлса, 13 миң нафар йигит-қизнинг ҳайдовчиликка ўқишлари учун 12 миллион сўмлик харажат қоплаб берилди. 15 миң нафар ёшларга тадбиркорлик ва касб-хунар ҳамда IT дастурига, хорижий тилларга ўқиш учун 28 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Албатта, мамлакатимизда ёшлар масаласига бу даражада катта эътибор қаратиладигани бежиз эмас. Ёшлар етакчилари тизимининг йўлга қўйилгани эса уларнинг муносабатларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш, ўғил-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорлар сафини кенгайтириш, асосийси, маҳаллалардаги ишсизликни камайтиришга хизмат қилмоқда.



“Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига маҳалладаги ҳар бир ёшнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда саломатлик ҳолати юзасидан маълумотлар киритилаётгани уларни қийнаётган саволларга жавоб топиши янада энгиллаштириди.

Умуман олганда, ёшлар қанчалик билимли, касб-хунари бўлса, мамлакат иқти-

ташкilotлари 100 фоиз тоза ичимлик суви ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланади. Шунингдек, умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қўлай муҳит” дастури амалга оширилади. Натижада, 2023/2024 ўқув йилдан бошлаб ҳар йили 500 миң янги қувватлар ташкил этилиб, ўқув ўринлари сони 7,5 миллионга етказилди. 2,5 миллион ўқувчи ўрнига эга мактаблар қуришга 8 миллиард доллар ажратилади.

Ушбу жараёнларда ўқувчи-ёшларимизнинг олий таълим олишга бўлган интилишларини ҳам тўлақонли қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси камиди 50 фоизга етказилиб, давлат гранти асосидаги қабул параметрлари 2 баробарга оширилади. “Топ-500”га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камиди 50 та қўшма таълим дастури ва “икки дипломли тизим” жорий қилинади. 5 та олий таълим муассасаси миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантирилиб, қўшимча 120 миң ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 миң ўринли талабалар турар жойлари қурилади.

Бир сўз билан айтганда, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси нафақат мамлакатимизнинг келгуси етти йиллик тараққиётини, шу билан бирга, унинг узоқ йиллик ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатдир. Унда белгилаган мақсадларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишида, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биз, халқ вакиллари ҳам ушбу етти йилга мўлжалланган стратегиямизнинг мақсадларини аниқ ва пухта бажарилишида фаол бўлишимиз зарур, деб ҳисоблайман. Бунинг учун ўз сайловчиларимизга ушбу муҳим тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини тушунириб боришимиз, белгиланган вазибалар ижросида жамоатчилик назоратини ўрнатилиши лозим. Ватан тақдирини, келажакига бефарқ бўлмасак, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга ҳиссамизни қўшсак, шубҳасиз, ўзимиз орзу қилган Янги Ўзбекистонни барпо этамиз.

Партиядошларимиз фаолиятдан

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ – барака ва фаровонлик калити

“Бека-Чарос” хусусий корхонаси директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Гулбека Қўчқорова ҳалол меҳнат орқали нафақат ўз оиласининг, балки туманда 30 дан ортиқ хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаб, рўзгорига ҳисса қўшишлари йўлида кўмакчи бўлиб келаётганлардан.



Хонбуви ҲАЙИТОВА,
Пастдарғом туман кенгаши раиси

Депутат ўз фаолияти давомида сиёсий жараёнларда хотин-қизлар фаоллигини оширишга, қийин ижтимоий ҳолатга тушиб қолган аёлларга мадад қўлини узатишга ҳамми ҳозир. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида ҳам бу борада ўзининг асосланган тақлифларини бериб, партияннинг “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Мизнинг 12 та вилоятида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай ўқув-семинарларидан бири Пастдарғом туманидаги “Бека-Чарос” хусусий корхонасида бўлиб ўтди. Семинар-тренингда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, уни янада ривожлантириш истагидаги хотин-қизлар қатнашиб, ўзларига керакли маълумотлардан баҳраманд бўлишди.

Иштирокчилардан бирининг “Тадбиркорлик соҳасига қизиқишим бор, ammo бу масъулиятли соҳада иш бошлаш учун аввало, билим, тажриба лозим. Мен тадбиркорлик борасида ўзим режалаштирган фикр ва режаларим, бу ерда янада мукаммалашди. Энди бемалол бу соҳада иш бошласам бўлади”, деган фикри эътиборимни тортди. “Мен тикувчилик соҳасида тадбиркорликни бошлайман. Гулбека опа, бу борада сизнинг маслаҳатларингиз ҳам керак”, деди у. Албатта, бу қувонарли. Ҳар бир адо этиладиған эзгу ҳаракат замирида ишонч, меҳнат, масъулият ва заҳмат бўлишини тушунтирдим. Юртимизда тадбиркорлар қанча кўпайса, рақобат ҳам шунча кўп бўлади. Рақобат бор жойда, янгиланиш, интилиш бўлади, албатта.

Дарвоқе, семинар-тренингнинг айнаи ушбу корхонада ташкил этилиши ҳам иштирокчилар учун нафақат назарий билимларни ўзлаштириш, балки жамоа бўлиб ишлаш, тажриба алмашиш, амалий кўникмаларга эга бўлишда ҳам муҳим аҳамият касб этди. – 25 нафар иштирокчи пухта ўқитилиб, уларга тренерлик сертификатлари топширилди, – деди депутат, “Бека-Чарос” хусусий корхонаси директори Гулбека Қўчқорова. – Улар билан суҳбатлардан аниқлаш мумкинки, ҳар бирининг семинардан таассуротлари катта.

Семинар-тренингда туман прокуратураси вакиллари ҳамда депутат Г. Қўчқорова томонидан тадбиркорлик фаолиятининг қонуний йўл-

йўриқлари, бу борадаги муаммолар ечими бўйича ҳаётий мисоллар орқали тушунчалар берилди.

Алоҳида қайд этиш жоиз, “Бека-Чарос” хусусий корхонаси директори Гулбека Қўчқорова партияннинг дастурий мақсад ва вазифаларида хотин-қизлар борасида белгиланган устувор йўналишларнинг ҳаётга жорий этилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда корхонанинг ўттиздан ортиқ ишчилари орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ҳамда жазони ўтган муассасаларидан қайтган хотин-қизлар ҳам бор. Депутат уларни ҳаётга мослаштириш, жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш борасида самарали ишларни йўлга қўйган. Депутат бошчилигидаги корхона шу кунларда фаолиятини кенгайтириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Тез кунларда яна 20 иш ўрнига эга тикув зали ишга туширилиш арафасида.

Худудлардан хабарлар

“Адолат” СДПнинг “Бир адолатчи юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси доирасида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мақенини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизлар ҳимояси янада кучаймоқда

Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,
Бухоро вилоят Кенгаши матбуот котиби

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар партияннинг Шофиркон тумани кенгаши томонидан ҳам тизимли йўлга қўйилган.

Тумандаги “Қалмақон” маҳалласида халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши депутаты Зулфия Ашурова томонидан партияннинг “Аёллар қаноти” раиси Ҳамрогул Ашурова, мазкур маҳалла фаоллари билан биргаликда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ташкил қилинди. Унда ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган “Аёллар дафтари” рўйхатидаги бир гуруҳ хотин-қизлар билан суҳбат олиб борилди. Муаммолар ўрганилди. Очiq мулоқот жараёнида хотин-қизлар томонидан келиб тушган ўнга яқин мурожаат бўйича ҳуқуқий ва психологик маслаҳат берилди.



Фаоллар лойиҳа доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, меҳнат ва ўқш шaroитларини яхшилаш мақсадида тумандаги “Қалмақон” МФИдаги хонадонларда бўлишди. Жумладан, мазкур МФИда истиқомат қилувчи Нозима Иноятованинг уй шароити билан бевосита танишилди. Маълум бўлишича, аёл 5 ой олдин 2 нафар вояга етмаган фарзанди билан отасининг уйига аразлаб келган. Маҳалла фаоллари оилани бир неча бор яраштиришга уринишган, лекин натижа бўлмаган. Шундан сўнг партия фаоллари аёлнинг “Қўрғони Вардонзе” МФИда яшовчи турмуш ўртоғи Феруз Акмалов билан суҳбатлашиб, тушунтириш ишларини олиб боришди. Фаолларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмади ва ёш оила яраштирилди.

Шунингдек, мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи “Аёллар дафтари” рўйхатида турувчи хотин-қизлар хонадонларида маҳалла фаоллари ва молия бўлими ходими билан ўрганиш ишлари олиб борилди. Натижада рўйхатдаги фуқароларнинг хонадонлари таъмирланишига келишиб олинди.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизларга даволаниши учун саховатпеша ҳомийлар билан ҳамкорликда моддий ёрдам тўлаб берилиши белгиланди. Яна уч аёлга кундалик эҳтиёжлари учун керакли озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Соғлом турмуш тарзининг асоси

“Адолат” СДП Миришкор туман кенгаши ва туман тиббиёт бирлашмаси томонидан “Жейнов” МФИда “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” мавзуда тадбир ўтказилди. Партия фаоллари, тиббиёт ходимлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тарбияот тадбирида халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари, шифокор Абдуҷаббор Кенжаев мавзусидан маъруза қилди.

Тўлқин ХИДИРОВ,
партия фаоли

– Халқимиз ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш узоқ давом этадиган жараён, – деди А. Кенжаев. – Албатта, мақсадга эришиш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритишимиз шарт. Шунинг билан бир қатар, ҳар кимнинг соғлиги ўзи учун керак. Шундай экан, соғлом ва тўғри овқатланиш маданияти руоя этиш ҳар биримизнинг шioriимиз бўлмоғи даркор.

– Мамлакатимиз аҳолиси орасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва одамларнинг жисмоний фаоллигини ҳар томонлама ошириш учун “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилмоқда, – деди партия фаоли Сарвиноз Абдуллаева. – Халқимизнинг узоқ умр кўриш давомийлигини таъминлаш масаласи ҳаммиш долзарб бўлиб келган. Бу кўрсаткич халқимизнинг соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаёти фидосидир. Давлатимиз томонидан аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирлар кўриляпти.

Тадбирда партия фаоллари ва соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари томонидан ёшлар ва хотин-қизлар, кексалар орасида соғлом овқатланиш ташкил этиш ҳамда жисмоний фаолликни тарғиб қилиш орқали юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, зарарли одатлар, носоғлом турмуш тарзи оқибатлари бўйича тушунчалар берилди. Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, шунингдек, етилтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибидаги химикатлар ҳам меъёрида бўлиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Аҳолининг тўғри ва соғлом овқатланишини ташкил этишга маҳалла фаоллари ҳам масъул эканликлари таъкидлаб ўтилди.

Депутатлик гуруҳларида

ҲАР БИР МУРОЖААТ ижобий ечим топмоқда

“Адолат” СДП Богот туман кенгаши депутатлик гуруҳи аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан сайловчиларни кўндан кўйнаб келаётган муаммолар ҳамжиҳатликда бартараф этилишига эришилмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



Жумладан, депутатлик гуруҳи раҳбари Қаҳрамон Раҳимов томонидан “Нуррафшон” шаҳарчасида жойлашган “Эзулик” кўчаси ҳудудига ўрнатилган электр симёғочнинг эскириб, фойдаланиш талабларига жавоб бермайдиган ҳолга келиб қолгани, бундан маҳалла аҳолиси, йўловчилар хавотирга тушаётгани тўғрисидаги мурожаат эътиборга олинди ва муаммо ижобий ҳал этилди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Қадамбой Ҳўжақов кўмаги билан 1-гуруҳ ногирони Санъат Жуманиёзовнинг мурожаати қаноатлантирилиб, чарм тикиш машинаси олиши учун 3,5 миллион сўм маблағ ажратилишига эришилди.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Отажон Матниёзов ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун уларнинг қизиқиш ва истақларига қараб амалий ёрдам бериш мақсадида “Навбахор” маҳалласида учрашув ўтказди. Учрашувда “Навбахор” МФИдан 7 нафар, “Юксалиш” МФИдан 2 нафар ёшлар туман кенгаши депутатига ўзларининг сўров ва тақлифларини билдирдилар.

Мурожаатчи ёшлардан Маҳфуза Сафарованинг тикув машина сўраб қилган мурожаати шу жойнинг ўзида ҳал бўлди. Учрашувда ёшлар бандлик, кредит ва бошқа масалалар юзасидан қилган бир қатор мурожаатлар ҳам ўз ечимини топди.

“Найман” маҳалласидаги йўлнинг яроқсиз ҳолатга келиб қолгани тўғрисидаги депутат Шермат Матчиновнинг тегишли ташкилотларга қилган мурожаати эътиборга олинди ва йўлнинг 2 километрга тош ётқизилди.

“Беруний” маҳалласида яшовчи Кундуз Раззоқованинг яшаш шароитидаги муаммолар юзасидан қилган мурожаатига асосан депутатлик гуруҳи аъзоларидан Майсара



Ҳудайберганова ва Отажон Матниёзов мурожаатчи билан суҳбатлашди. Урганиш натижасида Кундуз Раззоқованинг турмуш ўртоғидан ажрашгани, яшашга уйи йўқлиги сабаб 1 нафар вояга етган қизи билан ижарада яшаётганлиги аниқланди. Мурожаатчининг моддий томондан қийинчиликларга дуч келаётгани ва бошқа муаммолари юзасидан тегишли ташкилот раҳбарларига мурожаат қилиниб, масала ҳал этилди.

Шунингдек, депутатларнинг саъй-ҳаракати билан “Оқтепа” маҳалласи Навоий номи кўча, 2-уй, 18-хонадонда яшовчи 1-гуруҳ ногирони, “Темир дафтар” рўйхатида турувчи Гўзал Рўзиеванинг мурожаати ҳам ижобий ечим топди. Г. Рўзиевовага “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан даволаниши учун 12 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди ва унга 2,5 миллион сўмлик темир эшик ўрнатиб берилди.

“Нурли маскан” маҳалласида яшовчи Жумамурод Ибрагимовнинг даволаниш учун маблағдан қийналаётгани тўғрисидаги мурожаати ҳам депутатлик гуруҳи томонидан эътиборга олинди ва унга 1 миллион 300 минг сўмлик дори-дармон етказиб берилди.

Боготлик депутатларимизнинг зиммаларидаги бурч ва масъулиятларини чуқур ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатиши фуқароларнинг яшаш шароитларини янада яхшилашга, турмушларидан мамнун бўлишга олиб келаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда судлар фаолияти такомиллаштирилиб, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Олий судга бириктирилди. Судьялар олий кенгаши, маъмурий судлар, Олий суд ҳўзурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди. Жиноят ишини қўшимча тергов юретиш учун қайтариш институти бекор қилинди ва далилларга баҳо бериш институти такомиллаштирилди.

Б.АХРАРОВ, Н.ХАЙРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети профессорлари

Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама тегишли равишда, далилларга холисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳўкмилари кўпайишига асос яратди. Бошқача айтганда, судлар тузилмаси ҳам замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиб, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий иқтисослашувини сақлаб қолган ҳолда вилоят даражасидаги умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

дан бири бўлди. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш мақсадида давлат органлари қарорлари ва мансабдор шахсларнинг қарорларини ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бериладиган шикоятларни, яъни, оммавий-ҳўқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни қўриб чиқишга ваколатли маъмурий судлар ташкил этилди.

Маъмурий судлар фуқаролар ва юридик шахсларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорларини қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш бора-расидаги конституциявий ҳўқуқларини амалда тўлиқ рўйбга чиқаришида муҳим роль ўйнайди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳўқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Шунингдек, процессуал мажбурият чораларини асосли қўллаш, суд-тергов амалиётида шахсни қийноққа солмаслик, унга шафқатсиз, гайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўлламасдан, чин кўнгилдан пўшаймон бўлиб, жиноятни фож этишда фаол кўмаклашгани учун шахсни жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, жабрланувчиларга етказилган мулкий зарарни қоплаш ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳўқуқ ва эркинликларини таъминлаш орқали фуқароларнинг ишончини қозониш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Суд ишларини юретишда янги институтлар жорий қилинди, мажбуриятлар такомиллаштирилди. Жумладан, жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилиб, у суд жараёнининг барча



“ADOLAT” шарҳи

бошқичларида қўлландиган бўлди. Жиноят иши бўйича — дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда — судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юретиш, медиаизация институти жорий қилинди. Шунингдек, сўнгги йилларда инсон ҳўқуқлари жимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳўқуқий базасини мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш борасида салмоқли ишлар қилинди. Масалан, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

дур шахсларнинг ёзма руҳсатисиз ваколатли органларнинг тезкор ходимлари мазкур иш доирасида иштирокчилардан бирон-бир кўринишдаги ариза, тушунтириш ёки қўрсатув олишга ҳақли бўлмайди. Бунда ёзма руҳсат олинган тақдирда ҳам айбланувчи ёки судланувчининг ўзи воз кечмаган бўлса, ҳимоя-чиликнинг иштирок этиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддати, у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланмаган бўлди. Бу эса ушлаб туриш баённомасига шахсни ушлаш вақти сифатида баённома тузилган ёки баённомани тузган мансабдор шахс истаган вақтни эмас, гумон қилинувчининг ҳақиқатда ушланган вақтини қўрсатиш лозимлигини аналитади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 224-моддасига асосан, ушлаб туриш боғлиқ процессуал ҳаракатлар видеоёзувлар орқали қайд этилиши белгиланган.

Ҳар қандай шахс ушлангандан сўнг ёки унга нисбатан тезкор тадбир амалга оширилгандан кейин, ёхуд унга нисбатан бирон-бир жиноят юзасидан гумонланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисида қарор мавжудлиги маълум қилингандан, шахс ўзининг қонуний ҳўқуқ ва эркинликларидан фойдалана олмаслиги ёки бунга руҳан тайёр бўлмаслиги мумкин. Шахсларнинг қўрқув ва руҳий босим остида қолиши натижасида адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши учун зарур бўлган маълумот ва далиллар нотўғри ўзана ёйналтирилиши, жиноятнинг тўла фож этилмай қолиши, жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминли бузилишига олиб келиши мумкин. Гумон қи-

линувчининг адвокат билан холи учра-шишининг таъминлини эса ишнинг ҳар томонлама кўриб чиқилиши, қонунчилик ва далилларнинг мустаҳкамла-ниши, пировардида, процессуал ҳара-катлар бўйича сифатли иш юретиш им-конини беради.

Бундан ташқари, фуқароларнинг жиноят процессига ортиқча жалб қилини-шини камайитириш, мураккаб бўлмаган ишлар бўйича иш юретишни қисқарти-риш мақсадида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича айбини бўйинига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўн-гилдан пўшаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва кел-тирилган зарарни бартараф қилган гум-он қилинувчи ёки айбланувчи томони-дан билдирилган илтимосномага асо-сан, жиноят ишини юретишни назорат қилувчи прокурор билан тузилдиган айбига иқдорлик тўғрисидаги келишув институти киритилди.

Президентимиз томонидан 2023 йил-нинг 26 апрелидаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳўқуқлари-нинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар қўрилиши муносабати билан Ўзбеки-стон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш тўғрисида”ги қонун им-золанди. Ҳўжат билан жиноят ишла-рини кўришда кассация инстанцияси суди томонидан тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳожамаси жараёнида йўл қўйилган камчилик-ларга қаратиш зарур бўлган тақдирда хўсусий ажрим чиқариш асослари бел-гиланмоқда. Шунингдек, кассация ши-кояти (протести) бўйича қўрилаётган фуқаролик ишини тугатиш учун асослар рўйхати белгиланмоқда.

Адолат ва қонун устуворлиги таъ-минлини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айланитириш, суд ҳо-кимиятининг амалда мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самара-дорлиги ва одил судлов сифатини оши-риш мақсадида 2023 йил 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг “Одил судловга эришиш им-кониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида”ги фармони қабул қи-линди.

Мазкур фармон билан 2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стра-тегияси ва ушбу стратегияни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқ-нинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини қўришига эришиш билан

бирга, суд қарорларининг қатъий ижро-сини таъминлаш, бу борада давлат ор-ганлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, стратегия дои-расида одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари сифатида белги-ланди.

Ҳаракатлар дастури 10 та бўлим 28 та банддан иборат бўлиб, унинг “Одил судлов сифатини тубдан ошириш” деб номланувчи 2-бўлимнинг 5-банди маъмурий суд иш юритувини такомил-лаштиришга қаратилган. Ушбу бандда 2023 йил ноябрь ойига қадар “Маъму-рий суд иш юритувини такомиллашти-риш концепцияси”ни ишлаб чиқиш бел-гиланган бўлиб, унда маъмурий орган-лар билан фуқаролар ва тадбиркорлар ўртасидаги барча низоларни хатловдан ўтказиб, судловга тааллуқлилигига оид қондаларни такомиллаштириш, маъ-мурий суд иш юритуви принципларини танқидий ўрганиб, оммавий-ҳўқуқий му-носабатларнинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи принципларни киритиш на-зарда тутилган.

Исплохотларнинг янги босқичида суд-ларни ҳақиқий халқ судига, инсон ҳўқуқ ва эркинликларининг, тадбиркорлар қонуний манфаатларининг ишончли ҳи-моячисига айланитириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган олинган. Хўсу-сан, бўлгани кунда амалиёт фуқаро бил-дан давлат органи ёки мансабдор шахс-нинг тенгсизлигини қўрсатмоқда. Чунки фуқаронинг ўз талабларини исботлаб бериш бўйича имкониятларини давлат ор-гани ёки мансабдор шахсларнинг ресур-сларига қараганда бирмунча чекланган.

Шу сабабли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан фуқа-ролар ҳўқуқлари ва қонуний манфаат-лари бузилган тақдирда, уларни маъ-мурий судлар томонидан самарали ҳимоя қилиш, судларни ҳўқуқи бузил-ган фуқаронинг ҳақиқий ҳимоячисига айланитиришга қаратилган чора-тад-бирларни амалга ошириш режалашти-рилмоқда.

Судлар фаолиятида “ягона дарча” тартиби жорий этилиб, бундан буён, иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи на-зар, ариза “ягона дарча” асосида қабул қилинади. Бу эса фуқаро ва тадбиркор-ларнинг эшикма-эшик сарсон бўлишига чек қўяди.

Кейинги йилларда амалга оширила-ётган инсонларнинг исплохотлар натижа-сида одамларнинг суд тизимига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Буни судларга бўлган мурожаатларнинг кўпайиб бора-ётгани ҳамда судлар томонидан қабул қилинаётган оқлов ҳўкмилари, фуқа-ролар, тадбиркорлар фойдасига қабул қилинган суд қарорлари сонининг ортиб бораётгани ҳам кўриш мумкин. Нати-жада, халқ судни фақат одамларни қор-алайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳўқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган ор-ган, ўзларининг ҳимоячиси, адолат пос-бони, деб қарай бошлади.

Ташриф

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳўзуридаги махсус қабулхонада бўлиб, унинг фаолияти билан танишдилар.



Махсус қабулхона: фаолият талаблар даражасида

Бундан қўзланган мақсад Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни жойида ўрганишдан иборат бўлди.

Ташриф давомида депутатлар махсус қабулхона ҳудуди, фаолияти ва яра-тилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди, бу ердаги ходимлар ва маъму-рий қамоқ муддатини ўтаётган шахслар билан суҳбатлашди.

Маълумки, тезкор ходимлардан жиноят содир этилишининг барвақт олдини олиш, жиноятларни фож этиш ҳамда қидирувдаги шахсларни ушлаш учун ўз вақтида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноятларни аниқлашда ташаб-бус кўрсатиш, жиноий фаолиятни зудлик билан ҳўжжатлаштириш, жиноят содир этиш ниятида бўлган ёки жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни ўз вақтида қўриш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароит-ларни аниқлаш назарда тутувчи норма белгилаш кабилар талаб этилади.

Бу эса, ўз навбатида, амалдаги мазкур соҳани тартибга солувчи норма-тив-ҳўқуқий ҳўжжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо эт-моқда. Шу сабабли қонун лойиҳасига мувофиқ, “Маъмурий қамоқни ўташ тар-тиби тўғрисида”ги қонунга 10-11-модда киритилмоқда. Унга асосан “Махсус қабул-хоналарда жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш ва уларни фож этиш, шунингдек, жиноятларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда топил мақсадида қонунчиликда бел-гиланган тартибда тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилади”, деган янги тахрир киритилди.

Бу ўзгартиришлар фуқароларнинг жиноят қурбонига айланишининг олдини олиш ва огоҳликка чиқариш мақсадида терговга қадар текширув органларидан, суриштирув, дастлабки тергов органларидан, суддан яширинган ҳамда жиноий жазони ўташдан бўйин товлайётган шахслар тўғрисида маълумотларни етказишга, бедарак йўқолган шахсларни ўз вақтида аниқлашга, кенг жамоатчилигини фаол жалб этиш йўли билан ўз вақтида бедарак йўқолган шахсларни топишга ва жиноятларнинг ҳолатларини, уларни содир этган шахсларни аниқлашга имкон беради.

Ташриф якунида махсус қабулхона раҳбарияти депутатларни қизиқтирган са-волларга жавоб берди.

Манба://t.me/qonunchilikpalatasi

Жиноятга жазо муқаррар

АХЛОҚИ ТУЗАЛМАГАН ФИРИБҒАР жазони ўтаётиб, яна жиноятга қўл урди

Маргилонлик ҳамюртимиз Шаҳзод Ўрмонов (исм-шарифлари ўзгартирилган) фибрибгарлик бобига ўзига хос “юқори қўрсаткич” соҳиб бўлди. Яъни, у бир йил мобайнида — 2021 йилнинг 1 октябридан 2022 йилнинг 1 октябрига қадар айнан фибрибгарлиги туфайли 5 мартаба судланишга улғурди! Албатта, бунга ҳамма ҳам удалай олмайди. Мақоламиз эса унинг... олтинчи бор судланиши ҳақида.

Феруза СИДДИҚОВА,
Фарғона вилоят судининг судьяси

...Маргилон шаҳрининг “Гала-той” маҳалласида яшовчи И.Мўминов ижтимоий тармоқдаги “OLX.UZ” сайтига “MONO 43” русумли телевизорини сотиш хўсусида эълон беради. Шаҳзод 2022 йилнинг 5 февраль куни мазкур хондонга келади.

— Ёзлон берган экансиз. Телевизорингизни ўзим сотиб оламан. Фақат ҳо-зир пулим озорқ. Бир ойда тўлиқ санаб бераман, — дейди у мезбонини авраб.

Шундай дея Ўрмонов телевизорни 250 АҚШ доллари ёки ўша пайтдаги курс бўйича 2.720.000 сўмга сотиб олишга келишди. Соддадил И.Мўминов эса Ш.Ўрмоновнинг қуюқ ваъдаларига ишониб, “MONO 43”ни бериб юбо-ради. Оқибатда Шаҳзод телевизорни бегона шахсга сотиб, пулини ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборади.

Бундан ташқари, фибрибгар йигит Маргилон шаҳрининг Водий кўчасида истиқомат қилувчи Х.Қодировни ҳам чўв туширади. Аниқроғи, хондон соҳи-бига ўзини Фарғона вилоят молия тезкор-қармаси ходими сифатида таништи-риб, 2022 йил 31 мартдан 9 апрелга қадар пойтахтдан келган меҳмонлар шарофига тузалмаган дастурхонда фойдаланиш учун 42.954.000 сўмлик турли шаклдаги идишларни ижарага олиб кетади. Лекин ашўларни номаъ-лум шахсларга сотиб юборади-ю, ҳақ-дорга бир сўм ҳам бермайди. Аксинча,



пулларни ҳамёнига уриб, кайфу сафо қилади.

Кейинги галда Ш.Ўрмонов Фарғона шаҳрида яшовчи М.Аҳмадалиевни лақиллатади. Яъни, унга ўзини Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ходими деб таништиради. Сўнг идорани компьютер воситалари билан таъминлаш зиммасидаги вазифа эканлигини айтиб, 2022 йил 24 апрелдан 4 майга қадар хондон соҳибининг жами 2.200 АҚШ доллари (23.980.000 сўм)лик компьютерларини 10 кун муд-датда пулини бериш шарт билан олиб кетади. Бироқ Шаҳзод шу кетганча қай-тиб қорасини қўрсатмайди. Компью-терлари бўлса дастлабки терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлма-ган харидорга сотиб, пулларини ўзин-нинг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Буни қарангки, Шаҳзод Ўрмонов 2022 йил 6 май куни “бир думалаб” Давлат ҳавфсизлик хизмати чегара қў-шинлари ходимидан гўшт маҳсулот-лари экспорти билан шуғулланувчи тадбиркорга айланади. У Фарғона шаҳар “Навий” маҳалласида истиқо-мат қилувчи М.Файзимотовага ўзини шундай деб таништириб, пулини 10 кунда бериш шарт асосида аёлнинг баҳоси 6.500.000 сўмлик музлаткичини олиб кетади. Аммо бу опамиз ҳам бошқа фуқаролар қатори чўв тушиб қо-

соблаш миқдорининг 20 (йигирма) ба-равари миқдоридagi жарима жазо-сига маҳкум этади. Негаки, жазо тайинлашда суд кодексининг 59- ва 61-моддалари тартибда унга жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди-нинг 2022 йил 16 сентябрдаги ҳўкми билан тайинланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдоридagi жарима ҳамда озодлик-дан маҳрум қилиш жазосини ҳам ино-батга олади. Қолаверса, суд ҳўқмида судланувчидан жабрланувчиларга ет-казилган зарарни ўқдириш ҳам белги-ланади.

Лекин судланувчи бундан норози бўлиб, апелляция шикоятини беради.

Жиноят кодексининг 42-моддасига мувофиқ, жазо маҳкуми ахлоқан ту-затиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Шу маънода айтганда, биринчи босқич суди Ш.Ўрмоновни Жиноят кодекси-нинг юқоридagi моддаси билан айб-лаб, қонуний ҳулосага келган. Шунинг-дек, суд унга жазо тайинлашда Жи-ноят процессуал кодексининг ҳамда Олий суд Пленумининг тегишли қарорлари талабларига тўлиқ риоя этган. Ана шу асосларга таянган Фарғона вилоят суди суд ҳўқминини қабуллагани, апел-ляция шикоятини қангаотлангирмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкид-лаш лозимки, сарлаҳамизда бе-жизга “ахлоқи тузалмаган” деган жумлани ишлатмаган. Чунки Ш.Ўр-моновга бир эмас, нақ 4 мартаба ахлоқ тузатиш иши жазоси тайин-ланган. Бироқ “каҳрамон”имиз бе-рилган енгилликлардан ўзига те-гишли ҳулоса чиқариб, тузалмиш йўлига ўтмаган. Бу гал ҳам туза-ладими-йўқми, бунга олий ҳакам — вақт кўрсатади.

ОҚИБАТНИ ФАЗИЛАТГА АЙЛАНТИРГАН ОЛИМ

Хотира

Чинакам шахс ҳамини кишини ўзига жалб этади. У ўзи билмаган ва истамаган тақдирда ҳам доим одамлар қуриовида бўлиб, бетақдор ва жозибали шахсияти боис кўпчиликнинг диққат марказига чиқиб қолаверади. Шахснинг қисмати шундаки, у одамлар орасида бўла туриб, кўпинча ёлғизликка маҳкумдир. Беғали акани яхшироқ билганим сари у менга ана шундай ёлғиз одам бўлиб қўринарди. Холбуки, унинг дўстлари жуда кўп эди. Дўстларининг кўпчилиги унинг ҳаммадан билимли бўлгани сабабли эмасди менимча. Биров билган билим олиши учун дўст бўлинмайди, билимни китобдан ўрганса ҳам бўлади. Дўстлари кўпчилигининг сабаби Беғали аканинг суянниши, турмуш чигалликлари юзасидан маслаҳатлашиши, муаммоларга биралликда тўғри ечим излаши мумкин бўлган одам эканлигида эди.

Қозоқбой Йўлдош, педагогика фанлари доктори, профессор



оптимал ва тўғри йўлни танлаш имконини беради. Мухимни номуҳимдан бехато ажрата билиш унинг йўлига учқурлик бағишларди. Шунинг учун ҳам унинг фикрлари тарози босарди.

Беғали ака кўнглига келганидай, вазият тақозо қилганидай эмас, балки тутумларига мувофиқ яшашига интиларди. Базан тутумларини одамдан баландроқ қўйгандай ҳам бўларди. Бундай ҳолларда тортишиб ҳам қоларди. Осонликча ён бермасди, лекин ўжарлиги ҳеч қачон гажириликка айланб кетмасди. Ҳақиқатни тан олишга ўзида куч топарди.

Беғали ака қалтис вазиятларда ҳам сўзига эғалик қиладиган одам эди. 2000 йилда профессор Лаазиз Қасимовнинг етими ёши муносабати билан илмий конференцияга ўтказилганидан бўлди. Олимнинг илмий фаолияти ҳақида маъруза қилиш Беғали аканинг чегига тушди. Дастур чиқарилиб, тақлифномалар тарқатилганда Беғали акага хайрихоҳ, каттароқ идорада ишлайдиган бир киши юбилейда чиқиш қилмаслики маслаҳат берибди. Чунки юқоридаги қайсида тартибдор доиралар юбилей ҳақида яхши фикрда эмас экан. Домла, барибир, маъруза қилди. Чунки у сўз айтман, деб сўз берганди. Беғали ака сўзининг устидан кишини "катта"ларга маъқул келишдан устун қўя билди.

Биргалликда бўлган йиллар менда Беғали ака ўз шахсиятидаги барча эзгу сифатларни жидду жад билан ўзи шакллантирган, деган фикри пайдо қилди. У ор-номусни ҳар нарсадан баланд қўйдиган одам бўлгани боис шаънига гард қўйириши истамас, бунинг учун муайян мезъорларга қатъий амал қилиб яшарди. Бу унга хатога йўл қўймаслик имконини беради. Умар Сайфиддиннинг: "Фазилатли бўлмоқ инсоннинг қўлида эмас. Лекин истаса, номусли бўла олади, бу ихтиёрий нарсасидир", деган фикри Беғали аканинг ҳаётини шiori эди деб ўйлайман. Гарчи, у бунга ҳеч қачон айтмаган бўлса-да, шундай фикрдан. Зеро, турк адабининг шу сўзлари бор асарини ўзбекча Беғали домла ўйрган эди.

Беғали ака ҳар қандай катта-кичик ишда қондаги роия қилишга уринарди. Ҳатто, кўчани пиёда кесиб ўтишда ҳам, ҳеч қандай бўлмасида, светофорнинг қизил чироғида юрмасди. Бесабрлигимдан бундай тартибларга қўнчинча роия қилганимни учун: "Сиз фақат қондаларни бузиш учун яшайсиз", деб койнарди.

Яхшигина юмор туйғуси борлиги, ўрни билан ҳазил-хузул қилиб турганига қарамай, Қосимов домла табиятан жиддий одам эди. Унинг жиддияти атрофидагиларга ҳам ўтарди. Энг яқин журналари ҳам у билан эҳтиёт бўлиб, қандайдир хайижирокми, аяроқми муносабатда бўлишарди. Домла ҳам атрофидагиларга шундай ёндашарди. У яқинлиқни, жўрачилиқни нозик бир кўчати парваршишга керак деб биларди. Мен эса дўстона муносабатларини ҳеч қачон нурамайдиган тоғ деб ўйлаганим учун ҳам мулозаматга эҳтиётчиликларга амал қилмасдим, ҳисоб. Ҳаёт Беғали домланинг ҳақлигини кўрсатди.

Жўрачилик энг парваршига муҳтож ва авайлаб-асралиши керак бўлган туйғу эди. Умр бўйи қурилган дўстлик иморати арзимас бепарволик, кичик бир нописандлик билан барбод бўлиши мумкин экан. Бунинг мен ўз ҳаётимда, яна Беғали акага муносабат мисолида кўрдим. Мен Қозогистондаги ўзбек мактабларининг барча синфлари учун адабиёт дарслиқлари ёзганман. 10-синфда мумтоз адабиёт ўқитилгани ҳам унчалик яхши эмасди. Ҳатто, соғ бўлганда ҳам бу гапни айтмасам керак эди. Аяган бўлардим. Аммо дарслиқни шу ҳолича қолдиргим ҳам келмади. Таваккал қилиб домланинг ёзганларини дарслиқнинг, эҳтимол, ўзимнингидир, услубимга солишга уриндим.

Дарслик менинг тахриримдагидай

бўлиб чиқди. Беминнат хизматим учун домла роса миннатдор бўлса керак, деб ўйлагандим. Дарслик чоп этилгач, Беғали ака услубининг ўзгартириб юборилганидан қаттиқ хафа бўлди, шекилли. Гарчи бунинг оқибати айтмаган бўлса ҳам, мени кўрганда хурпайиб олганидан сезгандай бўлдим. Шу тариха кейинги бир-икки йил ичида муносабатларимизга дарз кетди. Бу ҳақда иккимиз ҳам оғиз очмаган бўлсак-да, ҳар жолда менинг "меҳнаткаш" лигим орамиздаги салқинчиликка сабаб бўлди. Яхши ниятдаги ишчи ҳам эҳтиётлик билан қилиш керак экан.

Беғали ака сўзамол одам эмасди, лекин ўткир нотик эди. Нутқининг яхшилиги тилининг қайраганидан ташқари, фикрининг чарчлангани ва сўз айтишга ўта масъулият билан қараганидан эди, деб ўйлайман. Кичик илмий йиғинлардаги чиқишларини ҳам ёзиб келар ва уни ўқиб беради. Лекин шундай ўқирдики, ҳар қандай моҳир нотикнинг оғзаки нутқидан таъсирли ҳамда юкумли бўларди. Бу ҳолга айтилаётган ҳар бир сўзнинг юракдан чиққани ва мантиққа йўғрилгани сабаб бўлса керак. Зеро, юракдан чиққан сўзгина юракларга етиб боради. Мен у кишига ҳавас қилардим. Чунки ўзим қозоғга қараб гапиролмайман. Қозоғга қарамай яхши сўзлаш эса, йил ўтган сари тобора қийин бўлиб бормоқда.

Айримлар Беғали акани бир умр фақат қозоғу китобларга қўмилиб яшаган одам санашди. Шундай деб ёзишда ҳам. Мен уни бир қадар биладиган одам сифатида фақат ёзиш-чиқишдан бошқа нарсага ўйламайдиган, туну кун нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ асар ёзиб қолдиришга уриниб, жон-жаҳди билан тинимсиз ишлайдиган киши бўлмаганига танигаман. У ҳамма қатори одам эди. Инсонга хос барча истағу интилиш унга ҳам беғона эмасди.

Беғали ака фақатгина ишламади, у биринчи навбатда, яшади. Бир одамдай, ҳақиқий эркакдай. Энди, ўқиш-ёзиш ҳар бир оидин шахснинг қисмати. Ҳақол илм қилмоқчи бўлган одам кўп ўқиш ва ёзишга маҳкум. Агар Беғали ака айримлар айтгандай, фақат ўқиш-ёзиш билангина шугулланганда, унинг ёзган китоблари бўйидан баланд бўлиши мумкин эди. Аммо атрофида бунча одам тўпланмаган, бунча эзгу ишлар қилмаган бўларди. Шахмат ўйнамаган, спорт билан шугулланмаган, сафарларга юрмаган, дам олмаган, саёхатлар қилмаган, бинобарин, на одамларни, на ҳаётни тузукроқ билган бўларди. Домла бир ёқлама одам бўлмагани учун ҳам ёзиш-чиқишга бир иш деб қарарди. Шу боис ҳам илмида чекланганлик, торлик йўқ. Унинг олам миқёсида фикрлашига одамнинг табиятини ичдан билгани сабаб эди. Беғали ака тирикчилик таъшилар билан ҳамма қатори шугулланган ҳолда, бир неча олимнинг илмини ҳам қила билди.

Беғали ака отасини гоят оқил, аммо қаҳри қаттиқ одам деб айттарди. Узини ҳам унчалик кўнгли юмшоқ деб бўлмасди. Ортиқча бақириб-чақирмаси-да, ўғилларига қаттиққўл эканини кўрганман. Узи истеводли одамларнинг кўпчилиги яқинларига талабчан ва инжиқ бўлади, деб ўйлайман. Даврадош ва қўшни сифатида Беғали ака билан аёлнинг ўзаро муносабатларидан ҳам бирқадар хабардорман. Домла ҳаминча қулиб турадиган, ҳамма нарсага ҳам кечириб юбораверадиган одам эмасди. Ҳамма нарсада қатъий тартиб бўлишини истарди. Ҳаёт эса фақат интизомдан иборат эмас. Ана шундай вақтда Матлуба янганнинг сабри, улуг дипломатияси, оқила ўзбек аёли сифатида кучи ожизлигида эканини билиши кўп келарди, деб ўйлайман.

Қашқадар ва Шохимардонга қилинган сафарда Беғали ака билан янганнинг муносабатларини бевоёсита кузатишлар менда домланинг улуглигида янганнинг улкан хизмати борлигига қатъий ишонч ҳосил қилди. Матлуба янга Беғали акага болани парваршилагандай авайлаб қарарди. Қашқадар сафаридан-ку бир нави бўлди. Аммо Шохимардонга бир ҳафталик сафарда Беғали аканинг тоби жиддий қочиб қолди. Узи йўлга чиқаётгандаёқ соғлиги яхши эмасди. Лекин Раҳматилла ака билан Умрзоқ акани қўриш, Шохимардоннинг гузал табияти қўйида бўлиш завоқи туйғули таваккал қилиб, машинасида йўлга чиқди. Кўрганлар билади, Беғали

аканинг машина ҳайдаётгандаги ҳолати операцияга кирган жароҳнинг жиддиятидан ҳам бўлмасди. Бунинг устига бошининг чап томони қаттиқ шамоллаган, саратоннинг сарик қуни бўлгани учун ойна очилмаси, ҳаво етишмайди, ойна очилса, бошининг оғриги кучаяди. Беғали ака йўлнинг ҳам, дардининг ҳам аламини янгандан олади. Йўлда ҳам, боргандан кейин ҳам Матлуба янга на бир кўзқарашни, на бир оҳанги, на юриш-туриши билан домланинг инжиқликларидан норозилигини билдирмади. Бу қадар назокатли чидамга эга бўлиш учун қанчалар катта муҳаббат зарур бўлса?!

Бешарик, Фаргона, Шохимардонда Матлуба янганнинг опа-сингиллари, почка-куёвлари, Улугбек деган жўмард укаси билан яқинлашиб, роса ярадик. Беғали домла ҳам Умрзоқ ака ва Раҳматилла акалар билан қўришгач, ўзига келиб, маза қилганди.

2002 йилнинг декабри эди, шекилли, улкан олим Беғали Қосимнинг олтимиш йиллиги нишонланганди. Шу муносабат билан П.Шермухаммедов, Б.Дўстқороев, Мухаммад Али, Ш.Каримов, Ж.Бекназар, Н.Аҳмедов, А.Алимбековдан иборат ўнча одам Беғали ака ва янганга йўлдош бўлиб, олимнинг юртига борганмиз.

Уша кунларда Беғали аканинг ўз юртидаги обрўсини кўриб ҳаммамиз астойдил қувондик, қаққадарёликларга қўйил қолдик. Олдин виллоят ҳокимиятида, сўнг университет талабалари ҳузурида, ундан кейин Касбда, энг охирида Беғали аканинг ота қишлоғидаги коллежда олимнинг юртдошлари билан учрашувлар ўтказдик. Яқинлар қаторида Беғали аканинг 60 ёшини нишонлаш қатнашчиси бўлдим, яхши кунларда ёнида туриб, юртдошлари, республика олимлари ҳузурида у кишининг шахсияти ва ижоди тўғрисида сўзлар айтдим.

Биз боргандан кейин қутилмаганда кунлар қувуш кетди. Изгирининг зўридан йўллар бутунлай музлаб, автоуловлар қатнови тўхтатилди. У вақтлар поезд мунтазам юрмасди, чипта топилмади. Шу сабаб биз Беғали домла тугилиб-ўсган Денов қишлоғининг баргикенг одамлариникида мўлжалдагидан узоқроқ қўноқ бўлдик. Олтимиш яшар олим ҳақида деновликлар билан сўхбатлар қурдик.

Ҳавонинг совуви кетишини ҳам Беғали аканинг жиддияти ва кўнчинча солиқ бўладиган қовоғи билан боғлаб анча ҳазиллар қилганмиз. Ниҳоят, виллоят ҳокимиятидагилар аралашиб, кичик автобусда Тошкентга қайтгандик. Уша кунлар жамоа кучи билан қўйидаги ҳазил дунёга келди. Албатта, уни бадий савиясига кўра шеър деб бўлмас. Лекин уша кунлар кайфиятини ифодалашни жиҳатидан бир қадар аҳамиятга эга:

**Поезд йўқдир Қаршида,
Йўл олис бўлса шу-да!
Мезбон қўйналди жуда,
Олтимиш ёшлар муборак!
Касбиликлар зўр мезбон,
Доим тўқис дастурхон,
Кетай демайди меҳмон,
Олтимиш ёшлар муборак!
Шоир латифа айтар,
Эшитсан бари қотар,
Фақат мезбон соёқотар,
Олтимиш ёшлар муборак!
Духтур тенгсиз юсағул
Гурунани хўп қизитар,
Аммо ҳеч бўлмайди ул,
Меҳмонлар қачон кетар...
Олтимиш ёшлар муборак!**

Олдинлари ҳам бир қадар билардим, аммо юбилей кунлари янаям икорор бўлдими, Беғали акага қариндош-уруғ ва жигарлардан худо солган экан. Йўқ, улар фақуллода бир нарса қилишгани йўқ. Лекин уларнинг кўнглидаги ифтихор, бахтиёрлик кўзларидан шундоққина тошиб чиқаётгани билиниб турарди. Олимнинг олтимиш ёшлиги тантаналари Миллий университетда ҳам катта миқёсда, хуш кайфиятда самимий нишонланди. Республиканинг кўпчилик илмий муассасаларидан олимлар келишиди. Илмий анжуманидан сўнг элганда катта ош тортилди.

Чин одам, улкан олим оғамизнинг умри фақат фарзандлари ва китобларидагина эмас, балки яқинларининг кўнглиларидаги эзгу туйғуларда ҳам узоқ яшасажак. Бу эзгулик уруғларидан оқибат оғочи униб чиқиб, мўл ҳосил беришига эса шубҳа йўқ.

Давра суҳбати

"Адолат" СДП Қашқадарё виллоят Кенгаши томонидан "Чим" МФЙда "Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг ягона йўли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Сифатли таълим – БИЗ УЧУН ТЎҒРИ ЙЎЛ

**Нурмаҳмад МИРЗАЕВ,
Қашқадарё туман кенгаши раиси**

Тадбирда халқ депутатлари Қашқадарё виллоят Кенгаши депутати Абдуқохор Аҳмедов маъруза қилди
– Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида таълимга жуда катта эътибор берилаяпти, – деди А. Аҳмедов. – Шу туйғули ҳам Ўзбекистон таълим тизимида ислохотлар изчил давом этаётгани ва фаоллашганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим. Зотан, халқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар натижасини кўриб турибди. Биргина шу йилнинг ўзида бизнинг виллоятимизда ҳам бир нечта янги илм масканлари қад ростлади. 350 дан зиёд таълим муассасалари эса замонавий таъмирланиб, янги ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Албатта, келаси йилларда ҳам виллоятимиз шайхор, қишлоқларида янги мактаблар қуриши, таълим тизимида ислохотларни давом эттириши, ўқитувчи ва мураббийлар мавқеи ҳамда нуфузини ошириши бўйича ҳам катта режалар қилинаётгани барча таълим соҳаси ходимларини кувонтирди. Ўқитувчилар мавқеи янги тахрирдаги Конституциямизга муҳраб қўйилиши ҳам давлатимизда таълим соҳасига юксак эътибор қаратилаётганини ифодасидир.




– Кўп йиллардан буён олий таълим тизимида фаолият олиб бораман, – деди партия фаоли Насиба Азизова. – Давлатимиз раҳбари томонидан таълимдаги коррупцияга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу туйғули ҳам тизимда таълим сифати ошириб, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам берилади. Олий ҳоқлар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити шаклланимоқда.

Давра суҳбатида мамлакатимизда олий ўқув юртиларига ўқишга киришда коррупция барҳам топаётгани алоҳида эътироф этилди. Айни кунларда таълим тизимини, айниқса, олий таълимни коррупция иллатидан буткул халос этиш учун кенг қамровли ишлар олиб борилаёпти. Албатта, бунга фақат тарғибот учрашувларини кўпайтириш, ижтимоий сўровлар ўтказиш билан эришиб бўлмайди. Янги Ўзбекистонда коррупцияни йўқотса, таълим сифати ўз-ўзидан ошади. Ёшларимизга сифатли таълим берилади.

Тадбир сўнггида "Адолат" СДП ташкилотлари томонидан ҳам жойларда таълим сифатини ошириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш, ўқитувчиларнинг обрўсини юксалтириш, таълимга кўпроқ инвестиция киритиш борасида амалий ишларни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Ибрат



Ўқувчиларнинг смартфонлардан фойдаланиши тақиқланади

АНГЛИЯ МАКТАБЛАРИДА МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚИҚЛАШ МАСААСИ ҚЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА. Бу ҳақда Буюк Британия таълим вазирлиги баёнотида маълум қилинди.

Унга кўра, Қироллик таълим вазирлиги Жиллан Киган Англия мактабларида мобиль қурилмаларни ишлатишни чеклашни маслаҳат берган.

"УШБУ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БУЗГУНЧИ ХУАҚ-АТВОР ВА ОНА-ЛАЙН БЕЗОРИЯНКА ҚАРШИ ҚУРАШИШГА ҲИССА ҚўШАДИ. ШУНИНГДЭК, Ўқувчиларнинг дарсга бўлган эътиборини оширади", дейилган таълим вазирлиги баёнотида.

Вазир кун давомида, ҳатто танаффус пайтида ҳам мобиль телефонларни ишлатмаслиқни тавсия этади.

Агар мактабларда ушбу талаблар тўлақ кучга кирмаса, ҳукумат келгуси йилда мажбурий қонунчилик актини қабул қилишга мажбур бўлади.

Маълумот ўрнида, Франция, Италия ва Португалия мактабларида алақачон дарс пайтида қўл телефонлардан фойдаланиш мумкин эмас. Аввақроқ БМТ ҳам ўқув муассасаларида смартфонларни ишлатиш хавфидан огоҳлантирган эди.

Британия ҳукуматининг билдиришича, Англиядаги мактаб ўқувчиларининг тахминан учдан бир қисми – 29 фоизи дарс пайтида смартфонларини ўйнаб ўтириши аниқланган.

(Манба: Qalampir.uz)



ТАШАББУС!

**КИТОБ ВА ГАЗЕТА
БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛАЙЛИК**

Фарҳоджон МАМАЖОНОВ,
маънавий-маърифий ишлар бўйича
директор ўринбосари

– Наманган вилоятида «Адолат» социал-демократик партиясининг қирқ минг нафардан зиёд аъзоси бўлиб, улар сафида бир мақсад сари қадам ташлаётган олимлар, ижодкорлар, маориф, маданият ва санъат, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ходимлари, бунёдкорлар ва мамлакат иқтисодининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ёш тадбиркорлар бор, – деди суҳбат чоғида вилоят партия кенгашининг раиси Исроилжон Жўраев. – Ҳаммамиз учун партиянинг наشري бўлмиш «Adolat» ижтимоий-сиёсий газетаси тарғибот-ташвиқот майдони ҳисобланади. Унда партия ҳаётига дахлдор бўлган муҳим маълумот ва хабарлар, воқеалар, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидаги янгиликлар, халқимизнинг турмуш тарзи, бунёдкорлик ишлари, илм-фанда қўлга киритилган муваффақиятлар, тарих, маданий мерос, маънавият ва маърифат, маданият ва санъат, спорт ва соғломлаштириш соҳаларида эришляётган ютуқлар ҳамда адабий ҳаётга доир қизиқарли мақолалар бериб борилади. Айтиш мумкин 2024 йил учун сеvimли нашримизга обун мавсуми бошланди. Бунда партияимизнинг ҳар бир аъзоси фаол бўлади, деган умиддаман. Чунки «Газнаи Намангон» шарафига мушарраф бўлган аллома уламолар, фозилу фузалолар, шоир шуролар фарзандлари бўлмиш наманганликлар азалдан газетхон ҳисобланади.

«Ўқитувчилар ва мураббийлар кунли» арафасида Косонсой туманидаги 29-сонли умумий ўрта таълим мактабида «Adolat» ижтимоий-сиёсий газетасининг 2023 йил 1 сентябрь, 35-сонидagi «ТАЪЛИМ – ИСТИҚБОЛ КАЛИТИ» ва 15-сентябрь, 37-сонидagi «ЭРТАГА НИМА БЎЛАДИ?» сарлавҳаси остида чоп этилган журналист Муҳиддин Омаднинг долзарб мавзудаги мақолалари партия аъзолари ва бир қатор ўқитувчилар иштирокида кенг қўламда ўрганиб чиқилди. Дастлаб «Адолат» СДП туман кенгаши

раиси Фарҳод Нўъмонов сўз олиб, аввало, юртимизда маорифни ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун яратилган шароитлар ҳақида тўхталиб, ҳаммиша эҳтиромга сазовор бўлган ўқитувчи ва мураббийларни умумхалқ байрами билан табриқлади. Сўнгра партия нашри ҳисобланмиш «Adolat» газетасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни ва унда ёритилган мақолаларнинг ҳаётга дахлдорлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан тил ва адабиёт фани ўқитувчилари Тоҳира Тожибоева, Дилрабо Ваҳобова, Саломат Нишанова, бошланғич синф ўқитувчилари Гулноза Парпихўжаева, Дилафрўз Шерова газетани ёритилган мақолалар узасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришаркан, баъзи ёшларнинг ижтимоий тармоқ ёлгонларига эргашиб, хато қадам қўяётганлари, маънавиятимиз, қадриятимизни унутиб, фарб маданиятга эргашиб кетаётганликларини, миллийлигимиздан воз кечиб, ажнабий либослар модасини танлаётганларини танқид остига олдилар.

– Аҳвол шу даражага етдики, – дейилди уларнинг чиқишларида, – ота-оналар ўз фарзандларини ёт урфу одатлардан қайтара олмасдан ўқитувчига илтимос қилишади. Боланинг иштиёбини ёшларидан ўзига топшириб қўйишининг аҳволи шу-да! Натийжада ўқитувчи таълим бериши ўрнига кўпроқ вақтини тарбияга сарфламакда.

– Тоғ ёнбағрида жойлашган мактабимизда саккиз юз нафарга яқин ўқувчи таълим олмакда, – деди ўз вақтида стол теннис бўйича республика чемпиони бўлган директор Абдусами Раҳимбоев. – Бу йилги кўрсаткич ёмон бўлмади. Ўн нафар битирувчиларимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришди. Албатта, ёшларнинг ўқишили бўлишида китоб ва газета мутолаа қилишининг алоҳида ўрни бор. Биз асосий урғун шунга қаратмакдамиз. Кутубхонамиз бадиий адабиётлар билан бир қаторда республикамизда чоп этила-

ётган газета-журналлар билан ҳам тўлдирилган. Ўқувчилар матбуот нашрлари билан ҳам танишиб бормоқдалар.

– Фондимизда икки ярим мингта китоб бор, – деди тўрт фарзанди педагогикни танлаган кутубхоначи Зулфия Шербоева. – Айтиш мумкин ўқувчилар ҳам китобга анча қизиқиб қолишди. Чунки олийгоҳга кирган ака-опалари уларга намуна бўлишди-да. Мана, қишлоғимизда ўсиб-улғайган, олий маълумотли муҳандис укамиз Ғулможон Ҳамдамов тадбиркор бўлиб, мактабимизга, жумладан, кутубхонамизни жиҳозлашга жуда катта ёрдам берди. Китобнинг қадрига етадиган инсон қандай бўлишини шу йилги тимсолида ҳам кўриш мумкин.

– Аввало, устозларни байрам билан кутлайман, – деди «Илҳом» қурилиш материаллари ишлаб-чиқариш хусусий корхонаси бошлиғи, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ғулможон Ҳамдамов. – Сиз каби устозлар тарбиясини олиб кам бўлмадик. Отам ҳам ўқитувчи бўлган. У кишини ҳам озоирдлари хурмат қилшарди. Сизлар учун, илм олаётган укаларимиз учун ҳар қанча маблағ сарфласак оз. Илмга сарфланган сармоя – сармояннга барака киритиши, деган гап бор. Зиёли кишиларимиз кўпайса, қишлоғимиз ҳам обод бўлиб бораверади. Дарҳақиқат, бугунги кун ёшлари учун муаммо йўқ. Биринчи

Ҳа, «Adolat» да берилган ҳар икки мақола ана шундай тарзда фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилишига сабаб бўлди. Агар газета ўқишни қанда қилмаганимизда эди, баъзи бир қусурлар пайдо бўлмаган бўларди. Газетага бўлган меҳрим мактабда ўқиб юрган пайтимда пайдо бўлган. Ёмғирли кунда бир парча ҳўл газетани ердан олиб, лойдан тозалаб, уйга етиб боргунча автобусда ўқиб кетганман. Унда Францияга бориб қолган бир тўп осиелик кишилар саргузашти ҳикоя қилинган бўлиб, ётишга жой, ейишга овқат тополмаган мусофирлар кўприк остидан паноҳ топиб, сокин дарёда сузиб юрган оққушни тутиб еганликлар учун қамоққа олинганлари баён этилганди. Ўзимча, ўшанда мусофирлар оққушни фаранг халқнинг қадриятига айланганини бианларидида эди, бундай ҳолга тушмасдилар, деган хулосага келганман. Ўқимаслик қандай оқибатларга олиб келишини бугун ҳам ҳаётда кўриб турибмиз.

синфдан ўн биринчи синфгача замонавий технология билан таъминланса, ҳамма китоблар қўлида бўлса, олийгоҳлар эшиклари очиқ бўлса, яна нима керак? Фақат ўқиш керак, холос!

– Набирам Иқболжон бу йил мазкур мактабнинг биринчи синфига қабул қилинди, – деди Аъзамжон ҳожи Мамажонов. – Ўзим шеърят ихлосмандиман. Мен ёдлаган шеърларни ўйин-қароқ набираларим ҳам атрофимда ўралашиб юриб, ёдлаб олишарди. Ҳавас қилиб, бир набирамга халқ шоири Иқбол Мирзодан розилик сўраб исмини қўйгандим. Шу набирам келажакда шоир бўлади, деган умидим бор. Болани мактабга тайёрлайдиган ота-она, бобо ва бувишлар. Ҳар бир хонадон катталари қандай бўлса, болалари шундай бўлади. «Adolat» газетасида журналист дўстимиз Муҳиддин Омад ёзган иккита мақолани қайта-қайта ўқиб чиқдим. Қалбни уйғотадиган мақолалар бўлибди. Келинча, биргалашиб фарзандларимизни китобга, газета ўқишга қайтарайлик. Аммо катталар ўқимаса, ёшлар ўқимайди. Биз болаларимизга келажакимиз, орзу-умидим сендан, деймиш. Шундай экан, орзу-умидимизга етишиш учун болаларимизга яхши тарбия берилик, ўқишга шароит яратайлик. Кўриб турибмиз, давлатимиз ёшлар учун нима керак бўлса – барчасини муҳайё қилиб қўймоқда. Биз ҳам шунга жавобан ҳаракат қилайлик.

**Эркин
Воҳидов
ҳикматларидан**



Биз ўзбекларда истиқола кучли. Ўзни намоен қилишдан тортинамиз... Энди ўша истиқолани йиғиштириб, халқ билан мулоқотнинг ҳамма шаклларида фойдаланишимиз лозим. Бу замон олдидаги, Ватан олдидаги бурчимиздир.

Истеъдод – бу аввало дид, яхши дид эгаси бўлиш қобилияти, дегувчилар ҳам бор. Истеъдод – бепоён тушунча. У таърифга сиққанда эди, уни маълум хусусиятлар доирасида чегаралаш мумкин бўлганда эди, одамлар йўқ истеъдодни тарбиялаб бор қилган бўлардилар. Горькийнинг, истеъдоднинг 99 фоизи меҳнат деган гапини тугма истеъдоди бўлмаган одам меҳнат билан чинакам шоир ёки бастакор бўлиши мумкин, деб тушунмаслик керак. Ҳар қалай 99 дегани юз эмас. Сув нормал шароитда юз градусда қайнайди. 99 градус исиган сув – қайнаган сув эмас. Форс тилида қайнашни «жўшидан» дейди. Яъни, жўшмоқ. Шеърят ҳам жўшмоқдир. Жўшмоқ учун эса 99 фойдан ташқари ўша камтарин бир фойз – яъни, тугма истеъдод керак.

Мен кучлиман!

Яқинда Ёшлар ижод саройидаги гематологик ва онкологик касалликлар билан оғриган бемор болажонлар чизган расмларнинг хайрия кўргазмасида қатнашган кўпчилик унсиз йиғлади.



Кўзлар йиғлади, бўғзига нимадир қадалган чеҳралар йиғлади.

Мана, бу суратларнинг иккитасини ака-укалар чизишган. Тасаввур қиляпсизми, бир оиладан икки фарзанд бемор!

Бугун бемор болақайларнинг расмларини сотиб олиб, уларга умид бахш этган яхши инсонлар ҳаммиша бор бўлинг!

Хусан ТАНГРИЕВ
("Facebook"дан олинди)

ФОЖИАМИЗ

Армени:
– Сизга ким керак, азизим? «Қоровул Петросян» дейсизми? Ваҳ-вах-вах! У қоровул эмас, академик! Дошиман одам! Юринг, уйини кўрсатаман. Яқинда икки қаватли уй солди, азамат!
Гуржи:
– Кимни сўраяпсиз, батано? «Этикдўз Панжикидзе?» О-о-о! У этикдўз эмас, академик! Бунақа дошиман одам юз йилда бир тугилади! Юринг, дачасига обориб қўяман. Уч қаватли дача қурапти, азамат!
Ўзбек:
– Нима? Ким дейсиз! «Академик Алижонип»? Ҳеч қанақа академик эмас у! Қоровулчилик саводи йўқ! Этикдўзчилик илми йўқ! Фирт аҳмоқ одам. Порахўр! Урикзорда дангиллама иморат соляпти. Шунча пулни қайқдан олади? Умуман... мен ҳеч қанақа Алижонип-палжонипни танимайман!

Ўткир ХОШИМОВнинг "Дафтар хошиясидagi битиклар"дан

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад А.ЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Тальят МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат ЯҚУБОВ

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир – Камол Матқубов

Тахрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.

Котибият – 71 288-42-14 (144);
Кабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими – 90 900-72-15

ISSN 2013-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Буюртма Г – 1000

Адади – 6026
Босишга тоширилган вақти – Босишга топширилди – 22.00
Баҳоси келишилган нархда
Тахриратга келган қўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.